O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 125 (9.469) 2000 йил 20 октябрь, жума ◆ Сотувда эркин нархда

## ДАВР САДОСИ

«Тошкент оқшоми»

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

### МАМЛАКАТИМИЗДА

• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов **кеча** Оқсаройда Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг (ЕХҲТ) амалдаги раиси, Австрия ташқи ишлар вазири Бенита Ферреро-Валднерни қабул қилди.

• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов **кеча** БМТ Бош котибининг ўринбосари, Наркотиклар назорати ва жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича бошқарманинг ижрочи директори Пино Арлаккини қабул қилди.

• Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот хизматида Украина Президенти Леонид Кучма ва Туркия Президенти Аҳмет Неждет Сезернинг мамлакатимизга расмий ташрифлари ва давлатимиз раҳбари Ислом Каримов билан ўтказган музокаралари якунларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

• Республика Хотин-қизлар қўмитасида Ўзбекистон хотин-қизлар нодавлат, нотижорат ташкилотларининг «Меҳр» бирлашмасининг таъсис йиғилиши бўлиб ўтди.

• Самарқандда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, ЮНЕСКО ва Аҳолишунослик жамғармаси (ЮНФПА) ҳамкорлигида ташкил этилган «Репродуктив саломатлик дастурларини қўллаб-қувватлаш» мавзуида икки кунлик семинар ниҳоясига етди.

• **Кеча** Ўзбекистонда ўтаётган «Япония маданияти кунлари»нинг узвий давоми сифатида Алишер Навоий номли театр майдонида Япониянинг «Фугаку Тайко» ноғорачилари ҳамда «Аббос» гуруҳлари ҳамкорлигида катта концерт намойиш этилди.

• Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги қошидаги республика ташқи иқтисодий фаолияти ахборот-тижорат маркази «Ўзинкоммарказ»да «Ташқи иқтисодий фаолият асослари» мавзуида ўқув машғулотлари бошланди.

• Тошкент Давлат ҳуқуқшунослик институтида ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганига 11 йил тўлиши муносабати билан «Тил — Ватан каби азиз» мавзуда ҳуқуқий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

• Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Оролни қутқариш Халқаро жамғармаси GEF лойиҳаси агентлигининг «Сув ресурсларидан ва атроф муҳитдан оқилона фойдаланиш бўйича Ўзбекистон аҳолиси ўртасида жамоатчилик фикрини шакллантириш стратегияси» китобининг тақдимоти бўлиб ўтди.

• Ўзбекистон Гематология ва қон қўйиш илмий текшириш институтида яна бир йирик бўлим иш бошлади. Учинчи гематология деб номланган мазкур янги бўлим институтнинг ёш клиник бўлинмаси сифатида фаолият кўрсата бошлади.

• «Чўлпон» нашриёти «Ўзбекнаво»: устозлар, юлдузлар, шогирдлар» номли янги китобни нашрдан чиқарди.

• Германия Федератив Республикасининг мамлакатимиздаги элчихонасида «Ўзбекистон — Бавария мулоқоти» деб номланган мусиқий компакт-диск тақдимоти бўлиб ўтди.

### ЖАҲОНДА

• **Бугун** ва **эртага** Қозоғистонда ЮНЕСКО шафелигида Туркистон шаҳрининг 1500 йиллик юбилейи тантана қилинади.

• **Индинга** АҚШ Давлат котиби М. Олбрайтнинг Пхеньянга ташрифи бошланади. У ташриф давомида ушбу мамлакат раҳбари Ким Чен Ир билан учрашади.

• **Кеча** Сочида Россия Федерацияси Президенти В. Путин ва Беларусь Президенти А. Лукашенко учрашди. Унда икки мамлакат иқтисодиётига оид ҳамда Россия ва Беларусь иттифоқи бошқарув раҳбарларини ташкил этиш масалалари муҳокама қилинди.

• Туркияда таниқли ислом арбоби Фатҳулла Гюленни мамлакатнинг дунёвий конституциявий тизимини ағдаришга уринганликда айблашга доир суд жараёни бошланди.

• Покистон Россия ва Афғонистон билан чегарадош бўлган Марказий Осиё мамлакатлари ички ишлар вазирлари минтақавий осойишталик ва Афғонистоннинг ҳарбий ўқув марказлари хусусида музокаралар ўтказиш учун ноябрь ойида йиғилиш бошлашни режалаштирмоқда.

• **Бугун** Қоҳирада араб давлатлари ташқи ишлар вазирларининг учрашуви бўлиб ўтмоқда. **Индинга** дам олиш куни бу ерга ҳукумат раҳбарлари тўпланишади. Ушбу анжуман муҳокамасига киритилган асосий мавзуларидан бири Исроил муносабатларига бағишланган.

• Россия Давлат стандарти муассасасининг маълум қилишича, 28 октябрдан 29 октябрга ўтар кечаси мамлакатда қишки вақтга ўтилади. Шу боис Россия ҳудудида 29 октябрь куни маҳаллий вақт билан соат 3 да соат миллари бир соат орқага сурилади.

• Ҳиндистоннинг Андра Прадеш штати ҳукумати яшаш жойлари циклон йўналишда бўлган аҳолини ўз уйларидан кўчирди. Чунки Бенгал кўрфази бўйлаб ҳаракатланиб келаётган циклон яқин кунларда бу ерга етиб келиши кутилмоқда. Тахминларга кўра 150 минг киши бошқа хавфсиз жойларга кўчирилган.

• Ингушетияда биринчи ва иккинчи чечен урушининг фаол иштирокчиси, 36 ёшли Ҳусан Алиев қўлга олинди. Ундан пулемёт ва иккита ракета чиқди.

• Познань шаҳри Миллий музейидан Моненинг Польшада ягона ҳисобланган «Пурвилдаги пляж» асари ўғирланди.

# ТОШКЕНТ АНЖУМАНИ — МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ХАВФСИЗЛИК ВА БАРҚАРОРЛИК САРИ МУҲИМ ҚАДАМ

Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорлик бугунги кунда нафақат минтақа, балки бутун дунё учун ўта муҳим ва долзарб масалалардан бирига айланиб қолди. Зеро, осойишталик фақат мазкур ҳудуд эмас, Европа, қолаверса, Америка қитъасида террорчилик ва наркобизнеснинг тарқалишига тўсиқ бўлувчи омиллардан бири ҳисобланади. Шу маънода «Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш: наркотик моддалар, уюшган жиноятчилик ва террорчиликка қарши курашда умумий ёндашув» мавзуида Тошкентда иш бошлаган халқаро анжуманнинг аҳамияти каттадир. Ушбу тадбир БМТнинг Наркотик моддалар назорати ва жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича бошқармаси ҳамда Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХҲТ) ташаббуси билан ташкил этилди. Унда етмишдан ортиқ мамлакат ва қирқдан ортиқ халқаро ташкилот вакиллари иштирок этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири А. Комилов мазкур халқаро анжуманнинг раиси этиб сайланди.

Марказий Осиёда вазият беқарорлашса, бу уюшган жиноятчиликнинг ўсиши, гиёванд моддалар савдосининг гуркираши ва террор хавфининг кучайишини келтириб чиқариши ҳеч кимга сир эмас. Бу иллатлар ҳеч қачон ҳозиргидек кенг кўламда тарқалмаган эди. Айниқса, минтақага бевосита қўшни бўлган Афғонистондаги неча йиллардан буён давом этиб келаётган можаро Марказий Осиёда мазкур муаммоларнинг янада куч олишига, таҳдиднинг зўрайишига олиб келаётир. Афғонистон диний экстремизм, террор ва наркобизнеснинг дунё бўйлаб тарқалиши учун асосий база вазифасини ўтамоқда. Шу сабабли, анжуман иштирокчилари минтақада хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш учун, аввало, афғон муаммосини ҳал қилиш зарурлигини таъкидладилар.

Марказий Осиё давлатлари минтақадаги вазиятдан ташвиш билдириб, жаҳон ҳамжамияти диққатини бу масалага жалб этаётгани тушунарли ҳол. Зеро, мазкур мамлакатларнинг мустақил тараққиёт йўлидан дадил одимлаши, иқтисодий ва сиёсий юксалиши учун бу ҳудудда мустаҳкам тинчлик ўрнатилиши зарур. Айни пайтда мавжуд муаммоларни ечишда Марказий Осиё мамлакатлари барча тегишли халқаро ташкилотлар билан алоқаларни кучайтиришга ҳаракат қилмоқда. Айниқса, бу борада ЕХҲТ билан ҳамкорликка катта эътибор берилаяпти.

БМТ ва ЕХҲТ ҳамкорликда ташкил этган мазкур тадбирнинг Ўзбекистонда ўтказилишида бир таъкидни кўриш қийин эмас. Тошкент анжумани мамлакатимизнинг Президент Ислом Каримов раҳбарлигида минтақада террорчилик, наркобизнес ва диний экстремизмнинг тарқалишига қарши олиб бораётган кескин ва кенг кўламдаги изчил кураши халқаро майдонда эътироф топаётганидан далолатдир.

Ҳақиқатан ҳам, Ўзбекистон Марказий Осиёда барқарорликни сақлашда ўзига хос таянч база вазифасини ўтаётир. Ўзбекистон ҳукумати, шахсан Президент Ислом Каримовнинг бу борадаги саъй-ҳаракатлари кенг тан олинмоқда. Жумладан, Ўзбекистон ташаббуси билан ташкил этилган «6+2» гуруҳининг фаолияти, Ислом Каримовнинг бу муаммони юксак минбарлардан туриб жаҳон ҳамжамияти муҳокамасига қўяётгани, Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш учун ўзининг янгидан-янги таклифларини илгари сураётгани ва бу борадаги бошқа таклифларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаётганини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.

Бугунги кунда террор, диний экстремизм ва наркобизнесни бир-биридан айрича тасаввур этиш қийин. Улар бир-бирини тўлдирувчи хавфга айланиб улгурди. Хусусан, айни пайтда наркобизнес Афғонистонда ин қурган диний экстремист ва террорчилар фаолиятининг ажралмас қисмига айланган. Бу ерда йилига минглаб тонна гиёванд модда етиштирилади. Жиноий гуруҳлар ундан йилига миллиардлаб доллар фойда кўради. Ўз навбатида, бу маблағ қурол-яроғ сотиб олишга ва нафақат минтақада, балки Афғонистондан анча узоқдаги давлатларда ҳам террорчилик ҳаракатларини молиявий таъминлашга йўналтирилади.

Марказий Осиёда барқарорликни бузишга уринишлар, жумладан, Ўзбекистон ва Қирғизистонга қуролли жиноий гуруҳларнинг ҳужумлари минтақага таҳдиднинг кучайганлигидан далолат беради. Ҳокимиятни куч билан ағдаришни кўзда тутадиган бундай ҳаракатларда Афғонистондаги беқарорликнинг ўрни катта экани сир эмас.

Тошкент анжуманининг улкан аҳамиятга эга эканини унда БМТ Бош котибининг ўринбосари, Наркотик моддалар назорати ва жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича бошқарма ижрочи директори Пино Арлакки, ЕХҲТнинг амалдаги раиси, Австрия ташқи ишлар вазири Бенита Ферреро-Валднер, турли мамлакатларнинг юқори мартабали вакиллари иштирок этаётганидан ҳам билса бўлади. Анжуманда қатнашаётган давлатлар ва ташкилотлар, хусусан БМТ ва ЕХҲТ вакиллари минтақа мамлакатлари, жумладан, Ўзбекистоннинг юқорида номлари санаб ўтилган иллатларга қарши кескин ва қатъий қадамларини маъқуллади. Улар бу йўлда ҳар қандай ҳамкорликка тайёр эканлигини таъкидлади.

Анжуманда эътироф этилганидек, Марказий Осиё мамлакатлари гиёванд моддаларнинг ўз ҳудудидан олиб ўтилишига кучли тўсиқ қўя олди. Сўнгги бир неча йил ичида минтақа давлатларининг ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари ва чегарачиларининг саъй-ҳаракати билан нархи миллиардлаб АҚШ долларига тенг келувчи катта миқдордаги гиёванд моддалар тутиб қолинди ва йўқ қилинди. Чегараларимизнинг мустаҳкамланиб бораётгани бу йўналишда наркотиклар савдоси ва транзитининг авж олишига чек қўймоқда.

Мана шу ишлар самараси ўлароқ, бу йил Афғонистонда героиннинг баҳоси эллик фоиз арзонлашиб кетди. Бу эса гиёванд модда етиштирувчиларнинг манфаатдорлигини камайтиришда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бундан ташқари, Марказий Осиё давлатлари ҳамкорлигининг мустаҳкамланиб бораётгани Афғонистондаги наркотик модда етиштирувчиларни ташқи дунёдан маълум даражада узиб қўйдики, бу унсурларнинг ҳаракатлари анча чекланиб қолди.

Бугунга келиб, Марказий Осиё орқали наркотик ташиладиган асосий йўналишлар аниқланди. Улар етиштириладиган майдонларнинг жойлашуви ва ҳомийлар тўғрисида кўплаб маълумотлар тўпланди. Бу эса, анжуманда таъкидланганидек, мавжуд муаммоларни биргаликда ҳал қилиш учун қатъий қадамлар қўйишга имкон яратади.

Тошкент анжумани иштирокчилари минтақада хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашда БМТ, ЕХҲТ, Марказий Осиё мамлакатлари ва донор давлатлар ҳамкорлигини мувофиқлаштириш, таҳдиднинг олдини олиш учун ягона маслаҳатлашув механизмини ишлаб чиқиш зарурлигини алоҳида таъкидлади.

Гарчи анжуман Марказий Осиёда, яъни бир минтақада хавфсизлик ва барқарорлик масаласига бағишланган бўлса-да, унинг дунёвий аҳамияти каттадир. Зеро, айни шу минтақадаги осойишталик ер шарининг катта қисмида уюшган жиноятчилик, террор ва наркобизнеснинг кенг тарқалишига ғов бўлади. БМТнинг Наркотик моддалар назорати ва жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича бошқармаси минтақавий ваколатхонасида бўлиб ўтган матбуот анжуманида Бенита Ферреро-Валднер хоним таъкидлаганидек, эндиги вазифа Марказий Осиёга таҳдиднинг қанчалик хавфли эканини жаҳон жамоатчилигига тушунтириш ва ҳамкорликни янада мустаҳкамлашдан иборат. Анжуман давом этмоқда.

**Анвар КАРИМОВ,**
**ЎзА мухбири.**

*«Давлат тили ҳақида»ги Қонуннинг ўн бир йиллигига*

# ОНА ТИЛИМ — ЭРКИМ, ҒУРУРИМ, ДИЛИМ

**КЕЧА** **Маннон Уйғур номидаги Тошкент Давлат санъат институтида Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, Ўзбекистон бадиий академияси, «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси, Тошкент Давлат консерваторияси, Тошкент Давлат маданият институти, Миллий рассомлик ва дизайн институти, Республика миллий рақс ва хореография олий мактаби ижодий ҳамкорликда «Она тилим — эрким, ғурурим, дилим» мавзуида тантанали театрлаштирилган байрам кечаси ўтказилди.**

Унда ўтган ўн бир йил ичида тилимизга бўлган ҳурмат ва эҳтиром янада ошгани, қабул қилинган «Давлат тили ҳақида»ги Қонун ҳамда уни амалга оширишда давлат дастури натижаси боис она тилимизнинг қадр-қиммати беқиёс даражада ортгани таъкидланди.

Институт фойесида талабалар томонидан ташкил қилинган тасвирий санъат асарлари, халқ амалий санъати буюмлари намуналари ва миллий либослар кўргазмаси намойиш этилди. Кечада талабалар томонидан ижро этилган миллий мумтоз куй-қўшиқлар, жозибали рақслар йиғилганлар қалбини хушнуд этди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Аҳмаджон Мелибоев сўзга чиқди.

**Дилором ИКРОМОВА.**

# ЎЗБЕКИСТОН — АЗИЗ ВАТАНИМ

**Халқимизда «Тилга эътибор — элга эътибор» деган нақл бор. Бу бежиз эмас. Ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилганига ҳам ўн бир йил тўлмоқда. Шу муносабат билан жойларда тил байрамлари, турли анжуман ва тадбирлар ўтказилмоқда.**

Шунингдек, ёшларнинг «Камолот» жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси билан ҳамкорликда шаҳримиздаги умумий ўрта таълим мактабларининг юқори синф русийзабон ўқувчилари ўртасида «Ўзбекистон — азиз Ватаним» мавзуида ижодий иншолар танлови ўтказилди. Бундан мақсад, бошқа миллат ўқувчиларининг ўзбек тилига бўлган ҳурматини, қизиқишини янада оширишдан иборат эди.

Танлов ғолиблари ҳомийлар томонидан таъсис этилган эсдалик совғалари билан мукофотландилар.

• **«Давлат тили ҳақида»ги Қонуннинг 11 йиллигига бағишланган бошқа мақолаларни газетанинг 2-саҳифасида ўқийсиз.**

*Танловлар*

# «МАФТУНА» БОСҚИЧЛАРИ БОШЛАНМОҚДА

**БУГУН** **республика Моделлар уйида ўтказиш ташаббускори пойтахт ҳокимлиги бўлган «Мафтуна» гўзаллар умумшаҳар танловининг дастлабки босқичи бошланади.**

Куни кеча Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Р.Х.Розмуҳамедов раислигида ушбу танловни ўтказиш бўйича ишчи гуруҳининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда бир қатор ташкилий масалалар ҳал қилинди ва ушбу тадбирнинг сценарийси тасдиқланди.

Маълумки, биринчи босқичда ҳар бир тумандан ўн нафардан танлаб олинган қизлар, жами юз нафардан зиёд қиз иштирок этади. Улар танловга ташкилий қўмита томонидан улар ҳақидаги маълумотлар ўрганиб чиқилганидан сўнг қўйилдилар. Олти кун мобайнида, яъни 20 октябрдан 25 октябрга қадар республика Моделлар уйи 16 ёшдан 24 ёшгача бўлган энг гўзал ва энг мафтункор қизларни меҳмон сифатида қабул қилади. Бироқ, танлов ҳайъати зиммасига фақатгина юқорида санаб ўтилган жиҳатлар бўйичагина у ёки бу қатнашчи фойдасига хулоса чиқариш ҳуқуқи берилмаган. Балки бундан ташқари жорий йилнинг 25 декабрида пойтахтимиздаги «Шератон» меҳмонхонасида гўзалларнинг «Мафтуна» танловининг финал қисмига ўтиш учун қизлар жамиятда ўзларини қандай тутиш қобилиятларини, сўзамоллигини, тилларни билишини намойиш этишлари, ўзларининг ақлий салоҳиятлари ва бошқа жиҳатларини кўрсатишлари керак. Ана шундан келиб чиқиб, танловнинг уч қисмдан иборат «Танишув», «Камолот» ва «Мафтуна» деб аталувчи дастури тузилган. Дастлаб танлов қатнашчилари саҳнада ўзларини қандай тутиш қобилиятларини, томошабинларда ёқимли таассурот қолдириш маҳоратларини кўрсатишлари керак. Бу ерда улар ўзларининг либос танлаш маҳоратларини баҳодан ўтказишлари ва адабиёт, тарих ҳамда республикамиз билан боғлиқ кўплаб бошқа масалаларга бағишланган кичик викторинада ўзларининг қобилиятларини намойиш этмоқлари даркор.

**Ўз мухбиримиз.**

Обуна — 2001



# «ОҚШОМ» — СИЗНИНГ ДОИМИЙ ҲАМРОҲИНГИЗ

Куни кеча «Тошкент оқшоми» таҳририятига бир отахон қўнғироқ қилиб, бир неча йиллардан бери ўзи севиб ўқийдиган «Оқшом» газетасига 2001 йил учун обуна бошланганлигидан воқиф бўлганлигини айтди ва таҳририятнинг келгуси йил режалари билан қизиқди...

Ана шу муштарийимизнинг қўнғироғи сабаб бўлиб бугун биз «Тошкент оқшоми» газетхонларига келгуси йилда ҳам «Оқшом» уларнинг энг яқин ҳамроҳи, ҳамфикр ва маслаҳатгўйи бўлиб қолишини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчимиз.

Ўзининг 34 йиллик фаолияти мобайнида «Оқшом» газеталари ўз ўқувчиларига маъқул ва манзур бўладиган, улар қалбига яқин бўлган мавзуларни ёритишга алоҳида аҳамият бериб келаётир. Шу боисдан ҳам унинг ўқувчилари орасида етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган ихлосмандлари бор. Юқорида биз таъкидлаб ўтган ва таҳририятга қўнғироқ қилган отахон ана шундай муштарийларимиздан биридир.

Албатта, қайси бир нашрга обуна бўлиш ҳар кимнинг ўз ихтиёридаги вазифадир. Лекин мустақил давлатимизнинг гўзал пойтахтида чоп этилаётган «Оқшом» газеталарининг бошқа нашрлар ўртасида ўз нуфузи ва уни севиб ўқийдиган минг-минглаб муштарийлари бор. Демак, ана шу муштарийлар ишончини оқлаш таҳририятда меҳнат қилаётган ҳар бир ходим учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Юқорида айтиб ўтилган вазифалар масъулиятини чуқур ҳис қилган таҳририят жамоаси газеталарга айни обуна кетаётган шу кунларда келаси йилда ҳам «Оқшом» саҳифаларига ҳали теша тегмаган мавзуларни олиб чиқиш, унинг саҳифаларини янги мазмун ва янги рукнлар билан бойитиш режасидадир. Ўзининг яхши анъаналарига содиқ қолган оқшомчилар «Давр садоси» рукни остида мамлакатимизда ва жаҳонда рўй бераётган энг сўнгги янгиликларни биринчи бўлиб етказиш, Шарқ дурдоналаридан шу мавзудаги мақолаларни севиб ўқийдиган мухлисларни баҳраманд этиш, адабиёт, санъат ва фанимизнинг атоқли намояндалари билан улар учун махсус учрашувлар ташкил этиш, халқ хўжалигининг турли соҳаларида эришилаётган ютуқлардан уларни воқиф этиш, азиз оналаримиз, қадрли опа-сингилларимиз кўнглига ёқадиган мавзудаги одоб, шарм-ҳаё, фарзандлар тарбиясига оид мавзудаги мақолаларни газета саҳифаларига олиб чиқиш, хуллас, бир сўз билан айтганда барча муштарийларимизга манзур ва маъқул бўладиган мақолаларни мунтазам равишда чоп этишни режалаштирганлар. Газета саҳифаларини безайдиган янги рукнларимиз ва мавзуларимиз бир талай. «Ҳамир учидан патир» деганларидек, куни кеча биз «Оқшом» саҳифаларида «Бу ҳаёт бўстонида...», «Суратга тушган лаҳзалар» деган янги рукнлар остидаги мақола ва сурат ҳамда шеърларни чоп этдик. Шу йўсиндаги изланишларимиз яна давом этаверади.

Маълумки, шаҳримизда бўлаётган спорт мусобақаларига қизиқадиганлар талайгина. Шу боисдан спорт мавзуидаги мақолаларга кенг ўрин ажратилади. Суд, милиция, прокуратура ходимлари фаолиятига бағишланган материаллар ҳам газетада мунтазам ёритиб борилади. Турфа олам ажойиботлари, наботот ва ҳайвонот дунёси янгиликлари газета саҳифасидан муносиб ўрин эгаллайди. Шеърият шинавандалари, кулгу ишқибозлари «Оқшом» саҳифасини варақлаб ўзлари ҳузур қилиб ўқийдиган шеърларни, ажойиб кулгу усталари билан бўладиган қизиқарли суҳбатларни ўқиш имкониятига эга бўлишади.

Юқоридаги айтилган гаплардан шу нарса аён бўлмоқдаки, «Тошкент оқшоми» 2001 йилда ҳам чин маънода ўз муштарийсининг дилкаш суҳбатдошига, яқин ҳамдамига, ҳамфикр ва маслаҳатгўйига айланади. Демак, шундай экан, азиз ва қадрли «Оқшом» муштарийлари ўзингиз севган ушбу нашрга обуна бўлсангиз жуда тўғри нашрни танлаганингизни ва ана шундай қилиб асло янглишмаганлигингизни йил бўйи ҳис қилиб борасиз. Бир гап эсимиздан чиқай дебди. Мана бир неча йилдирки ўзингиз севган «Оқшом» ҳафталик «Ойнаи жаҳон» дастурларини тўлалигича ёритиб келмоқда. Келгуси йилда ҳам ана шундай бўлиб қолади.

Келинг дўстлар, вақтни ғанимат билиб ўзингиз севган «Тошкент оқшоми» газетасига обуна бўлишга шошилинг. Вақт эса кутиб турмайди, у ғанимат. Шу ғанимат дақиқаларнинг қадрига етиб шаҳримизнинг истаган алоқа бўлимига бориб обунани расмийлаштирсангиз олам гулистон. Чунки «Оқшом» келгуси йилда ҳам чакана савдога жуда кам миқдорда чиқади. Унга обуна бўлиб қўйсангиз газета уйингизга ўзи кириб бораверади. Гапимизни мухтасар этар эканмиз, «Тошкент оқшоми» газетасининг якка тарздаги обуначилар учун нашр кўрсаткичи 209, идоравий обуначилар учун нашр кўрсаткичи 563 эканлигини эслатиб қўймоқчимиз.

*«Давлат тили ҳақида»ги Қонуннинг 11 йиллигига*

# ТИЛГА ЭЪТИБОР – ЭЛГА ЭЪТИБОР

**Ўзбекистон Республикасининг бундан роппа-роса 11 йил муқаддам қабул қилган «Давлат тили ҳақида»ги Қонуни одил ва демократик жамият қураётган мамлакатнинг энг муҳим давлат ҳужжатларидан бири ҳисобланади.**

## МИЛЛАТ ҚАЛБИ

Қонунимиз бошқа элат ва қабилаларнинг урф-одатлари, маънавияти ва қадриятини тўлақонли сақлаши билан бошқа мамлакатларнинг шу каби қонунларидан ажралиб туради. Иш юритишда, ўқишда, анжуманларни олиб боришда она тилимиз аллақачон «Давлат тили ҳақида»ги Қонун туфайли асосий ва бирламчи тил бўлиб қолди. Айнан тил ҳақидаги Қонун шиддат билан деярли барча корхона ва ташкилотларга, қолаверса хонадонларга кириб борди, унинг нуфузи ўсди, ўзбек тилига бўлган ҳурмат янада ортди. Бундан 11 йил олдинги ҳолат билан ҳозирги ҳолатни таққослайдиган бўлсак, ер билан осмончалик фарқ борлигини ҳис қилиш қийин эмас. Собиқ совет тузуми пайтида давлат тилида битилган расмий ҳужжатларни, идоралараро ўзаро ёзишмаларни кўриш амри маҳол эди. Ҳозир аҳвол тубдан ўзгарган. Деярли барча ҳужжатлар ва идораларнинг ўзаро ёзишмалари давлат тилида олиб борилмокда. Ўз она тилимиз эркин фикрлаш, ижод қилиш, ҳужжатлар битиш ва йиғилишлар ўтказмокдамиз. Ўрни келганда шуни ҳам алоҳида қайд қилиб ўтиш жоизки, «Давлат тили ҳақида»ги Қонун, аввало давлатимиз мустақиллигининг улуғ неъматларидан биридир. Мустақиллигимизнинг биринчи кунлариданоқ она тилимиз миллий маданиятимиз ва маънавиятимиз мезонини белгилаб келмокда. Давлат тили ҳақидаги Қонуннинг яна бир фазилатларидан бири шуки, у жуда кенг қамровга эга бўлиб, фақат она тилида иш олиб бориш ва ўқишнигина ифодалабгина қолмайди. Унинг замирида умуминсоний хусусиятлар ботиний бўлиб, бошқа тилларни ҳурмат қилишга, керак бўлса уларни ўрганишга чорлайди.

Тошкент шаҳрида «Давлат тили ҳақида»ги Қонуннинг амалга жорий этилишига биринчи кунлардан бери алоҳида эътибор қилиниб келинмокда. Шу кунларда шаҳар ва туман ҳокимликларида қабул қилинаётган барча қарорлар, фармойишлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар фақат давлат тилида бўлишлиги тўлиқ таъминланган. Бу тартиб шаҳар ҳокимлиги тасарруфидаги барча корхона ва ташкилотларга ҳам татбиқ қилинган. Жойларда қонун ижросини таъминлаш ва уни назорат қилиш юзасидан шаҳар ва туман давлат тили комиссиялари, йирик ташкилотларда Ишчи гуруҳлари тузилган. Бевосита уларнинг назорати остида Қонун ва уни амалга ошириш Давлат дастури талабларига асосан босқичма-босқич кундалик ҳаётимизга жорий этиб келинмокда. Ушбу дастурга мувофиқ корхона ва ташкилотларда хизмат қилаётган бошқа миллат вакилларини, жумладан русийзабон фуқароларни бепул давлат тилига ўқитиш, русийзабон фуқаролардан шикоят ва аризаларни рус тилида қабул қилиб, рус тилида жавоб бериш кўзда тутилганлиги ҳар қандай норозиликларга чек қўйди. Айни пайтда жуда кўплаб корхона ва ташкилотларнинг ходимлари давлат тилини ўрганиш, ёзиш имкониятларига эга бўлди.

Юқорида қайд этилган Давлат дастурига мувофиқ корхона ва ташкилотларда иш юритиш, ўзаро ёзишмаларни, статистика ва молиявий ҳужжатларни давлат тилига ўтказишни 2003 йилгача якунлаш кўзда тутилган. Бу, «Ҳали вақт бор экан, ҳозирча бемалол рус тилида иш олиб борсак бўлаверар экан», дегани эмас. Дастурда ўша йилгача давлат тилига тўлиқ ўтишни якунлаш қайд этилган. Афсуски, давлат тили ҳақида қабул қилинган Қонунимизга ўн бир йил бўлибдики, орамизда эскича ўйлайдиган, давлат тили маънавиятимиз кўзгуси эканлигини чуқур тушуниб етмаган баъзи одамлар ҳам йўқ эмас. Бундай одамлар раҳбарлик қилаётган ташкилотларда иш асосан нодавлат тилида олиб борилмокда. Буни фақат Қонунни менсимаслик деб баҳолаш мумкин. Баъзи қурилиш ташкилотларида, статистика ва ҳисоб-китоб ташкилотларида бундай ҳолатни учратиш мумкин. Қонун ижроси шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармасида ўрганилганда, асосан иш давлат тилида олиб борилаётганлиги кишини қувонтирган бўлса, Соғлиқни сақлаш вазирлигидан тушган раёсат қарорлари, меъёрий ҳужжатлар рус тилида эканлиги кишини ажаблантирди. Қуйи ташкилотларга нодавлат тилида тегишли ҳужжатларни тушираётган юқори ташкилотлар, минг афсуски ҳамон учраб турибди. Ўрмон хўжалиги вазирлиги ҳам қуйига рус тилидаги ҳужжатларни учирма қилиш одатини ҳануз тарк этмаяпти.

«Давлат тили ҳақида»ги Қонун ижросини таъминлаш аввало ўзимизга, жойлардаги корхона ва ташкилотларнинг раҳбарларига боғлиқ. Агар раҳбар қатъий туриб, Қонун ижросини талаб этмаса, эътиборсизлик ва лоқайдлик қилса, бу ташкилот маънавий тубанликка юз тутаверади. Қонун халқимизнинг асрий орзуси. Унга амал қилиш ҳар биримизнинг муҳим бурчимиз. Қолаверса, ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши ўзлигимизни англаганимизни, маданий меросларимизга, маънавий қадриятларимизга бўлган юксак ҳурматимизни ифодалайди.

**Эргаш ИСМАТУЛЛАЕВ,**
**Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги «Давлат тили ҳақида»ги Қонунни амалга жорий этиш комиссиясининг масъул котиби.**

# УЛАРГА ТАСАННО АЙТГИМ КЕЛАДИ

«Тилга эътибор — элга эътибор». Буюк аллома Алишер Навоийнинг ҳикматли сўзлари чуқур маънога эга. Аслида буни нафақат ўзбек халқининг ўз она тилига бўлган ҳурмати, эътибори, ғурури деб билиш керак, балки ҳар бир инсон, қайси юртда яшамасин, у ернинг суви, тузидан баҳраманд бўлмасин, аввало у қадами теккан юртнинг халқига ўз эҳтиромини билдириш учун унинг тилини ҳам ўрганишга ҳаракат қилади, деб тушуниш ҳам мумкин...

Нил Рожжерс ва Джей Макколонлар билан биринчи бора телевидение орқали, кейин эса уларнинг иш жойларида — педиатрия институтининг кўз касалликлари кафедраси қошидаги марказда танишдик. Гарчи уларнинг мурувват йўлида қилаётган ишлари аксариятни қизиқтирса ҳам аммо бизни бу ерга чорлаган нарса тил эди.

— Менга кўз касалликлари марказининг раҳбари бўлишни тавсия қилишганда, айнан чет эллик ҳамкорларимиз билан орамиздаги бир масофа — тилни билмаслик хавотирга солди, — деди институтнинг кўз касалликлари кафедраси мудири, республика болалар офтальмологи Босит Зоҳидов. — Чунки биз Англия, Голландия, америкалик мутахассислар билан бевосита ишлашимиз зарур, аммо бу жараёнда мулоқотда бўлиш учун бир-биримизни тушунишимиз ҳам керак, яъни инглиз тилини ўрганишга тўғри келарди...

Лекин Босит Зоҳидов бундай ташвишлар мутлақо ўринсиз эканлигига тез орада тушуниб, марказга раҳбарлик қилишга розилик берди, чунки...

Нил ва Джей Ўзбекистонга келганларида фақатгина бир сўзни — «салом»ни билишар эди. Шунга қарамасдан улар қисқа вақтда бу ернинг барча шароитларига кўникиб, ҳаттоки бемалол ўзбек тилида сўзлашишни ўрганиб олдилар. Ҳа, кўпчилик бунга ишонмаслиги мумкин, бошида биз ҳам шундай фикрда эдик. Лекин суҳбатимизни Нил ва Джей ўзбек тилида, тўғрироғи, жонли ўзбек тилида бошлаганлари бизни нафақат ишонишга, балки ҳайратга солди, десак муболаға бўлмайди.

— Ҳақиқатан ҳам, ўзга юртнинг кишиси ўзбек тилида сўзлашиши кўпчиликда қизиқиш уйғотиши табиий. Лекин унчалик ажаблантирадиган жойи йўқ буни, — деди суҳбатимиз бошида Джей. (Чет эллик офтальмолог-мутахассисларнинг мулоқот пайтидаги ҳамма сўзларини тўлалигича беришга ҳаракат қилдик). Тўғри, Ўзбекистонга келишимиздан мақсад бу ерлик мутахассислар билан бирга муҳтожларга ёрдам бериш ва бунинг учун махсус аппаратлар ҳамда соҳамиз бўйича орттирган тажрибаларимизни қўллашни кифоя деб билишимиз мумкин эди, яъни беморлар билан мулоқотсиз иш олиб борса ҳам бўларди, демокчиман. Аммо беморнинг дардига малҳам бўлиш, унга шифо бериш учун яна бир муҳимроқ нарса керак — бу икки томонлама — шифокор ва бемор орасида меҳр ва ишончдир. Бунинг учун эса бир-биримизни тушуна билишимиз керак, яъни тилни билишни шароитнинг ўзи тақозо этарди. Бемордан асло буни талаб қилиб бўлмайди, албатта. Бундан хулоса шуки, биз, мутахассислар, тилни ўрганишимиз ва фақат тил орқали беморнинг қалбига йўл топишимиз мумкин. Тўғри, шуни ҳам инобатга олиш керак, беморлар билан ҳар сафар ҳам уларнинг она тилида сўзлашиб алоқа қилишимиз осон эмас, чунки улар орасида нафақат ўспиринлар, балки гўдаклар, чақалоқлар ҳам бор. Бундай ҳолларда бизларга ота-оналар ёрдам беради...

Американлик Джей, англиялик Нил Ўзбекистонга 1998 йилда халқаро «Меҳр» лойиҳаси йўлланмаси билан келишган ва шу кунга қадар юзлаб кўз касаллиги билан оғриган чақалоқдан то 14 ёшгача бўлган болаларга шифо бермокдалар. Улар билан суҳбат чоғида бизни кўп нарса ажаблантирди, айниқса уларнинг янги ўзбекча исмлари: Джейнинг — Жўра, Нилнинг — Нуриддин, ҳамкасблари голландиялик Аврикнинг — Алишер, америкалик Сара ва Роутсларнинг — Сора ва Донохон эканликлари. Улар бу исмларни Эски шаҳарда яшаб турган оилалари, эндиликда улар учун тутинган оила аъзолари қўйганларини ғурур билан айтиб бердилар.

— Жаҳон тиллари университети қошида биз 5-6 ой ичида ўзбек тилини ўрганиш учун таҳсил олдик, шу билан бирга ўзбек оилаларида яшаб, жонли ўзбек тилида гаплашишни тезроқ ўзлаштирдик, чунки тил ўрганишда кўпроқ атроф-муҳитнинг ҳам таъсири бўлиши муҳим, — деди Нил — Нуриддин Раҳимжонов. — Бундан ташқари, ўзбек халқининг анъаналари, урф-одатларини чуқур ўрганиш учун янги орттирган ака-укаларимиз, маҳалладошларимиз билан ҳар хил маросимларда қатнашиб келмокдамиз ва бундай мулоқотлар тил ўрганишимизда асқотмокда. Менга ҳам, Жўрага ҳам наҳорги ош маросими жуда маъқул бўляпти. Бу жуда чиройли одат экан — қариндош-уруғлар, қўни-қўшнилар бир-бирининикига шундай меҳр-оқибат қилиб бориб биргаликда тадбирлар ўтказиши... Умуман, сиз, ўзбекларда, меҳрибонлик, меҳмондўстлик, дўстлашиш қадриятлари улуғланар экан, айниқса болаларнинг ота-оналарига, кексаларга ҳурматда бўлишлари, ўз ўрнида ота-оналарнинг ўғил-қизлари, набираларини боғлаб турувчи чуқур туйғулари ўзига хос эканлигини алоҳида таъкидламокчиман. Бундай инсонийлик фазилатларга, менимча, фақат генетик эга бўлиш мумкин, яъни ўзбекларнинг қонига сингиб кетган хусусиятлар, демокчиман...

Узоқ юртдан кеча келиб, бугун бизнинг тилда шунчалик чиройли сўзлашаётган Нил ва Жўравойларга бу мавзуда ортиқча савол беришга ийманади киши. Шундай бўлса ҳам, улардан тил ўрганиш жараёнида нималар қийин кечганини, ўзбек мақоллари, ибораларига муносабатларини билдиришларини сўрадик.

— Бевосита мулоқот барча қийинчиликларни аста-секин енгар экан, — деди Нил-Нуриддин. — Бошида «қ», «ғ», «ҳ», «ў» ҳарфлари бор сўзларни тўғри ифодалаш бир мунча мушкул бўлди, лекин энди уларнинг маъносини ҳам, ўз жойида қўллашни ҳам билиб олдик. Ибора ёки мақолларга келсак, ҳақиқатан ҳам ҳар бир тилда уларни таржима қилиб тушуниш қийин ҳисобланади. Лекин биз аввал таржима қилмасдан, балки қайси шароитда улар айтилиб ўтилганига аҳамият бериб, ҳар бир сўзнинг мағзини чақишга ҳаракат қилдик. Айрим ўзбек иборалари таржима ёки тўғри маъносида бизнинг инглиз тилида ҳам учраб туради, масалан, «ишлаган — тишлайди», «борган жойнинг тузини оқлаш керак» ва бошқалар. Яна бир нарсани айтиб ўтмокчиман, бошқа ҳудудларга солиштирганда, Тошкентнинг Эски шаҳарлари ҳамда айрим вилоят аҳолиси кўпроқ иборалар билан сўзлашга ишқивоз экан...

— Тил ўрганиш пайтида барибир адабий тилни ҳам албатта билиш керак, — деди суҳбатни давом эттириб Сорахон. — Ўзбек тилида шевалар кўп экан, яъни битта сўз бу ерда Тошкент шевасида, Самарқандда эса ўз шеваси билан айтилар экан. Шундай ҳоллар бўлдики, вилоятлардан келган болалар билан тошкентча гаплашганимизда, улар унчалик бизни тушунмади. Ҳаттоки, масалан, беморимиз кар бўлса ҳам, унинг яшаш жойига қараб тушунадиган ўз шеваси бор. Айтмокчиманки, шеваларни маромига етказиб ўзлаштириш ҳам биздан кўпроқ вақт талаб қилди. Менга эса бундай вазиятларда ҳозирда яшаб турган оилам — ўзбекистонлик иккинчи ота-онам ёрдам беришди. Улардан мен кўп нарсани ўргандим, айниқса пазандаликни. Ўзбек таомларидан хонимни хуш кўраман, миллий либосларга ясанишни ҳам — дўппи, лозим, ковуш кийишни. Маҳалламиздаги дугоналарим билан тўй, чалларга борамиз, келинларнинг ҳайитларига чиқамиз. Сизларнинг бундай урф-одатларингиз менга жуда ёқди.

... Икки-уч йил мобайнида бутунлай ўзбеклашиб кетган бу ажойиб инсонлар билан суҳбатимиз узоқ давом этди. Ҳа, Англия, Америка, голландиялик бу мутахассисларнинг бизнинг юртимизга ташриф буюриб, ўзбек тилида сўзлашишни чин дилдан ўрганганларини уларнинг ўзбек халқига билдирган ҳурмати, меҳр-саховати деб биламиз. Биз эса ўз навбатида ҳозирда диёримизда яшаб, ўзбек тилида маромига етказиб сўзлаётган чет эллик дўстларимизга тасанно айтиб қоламиз.

**Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА,**
**Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги Матбуот хизмати ходими.**





**Шаҳримиз тадбиркорларининг изланишлари сабабли улар ишлаб чиқараётган маҳсулот турлари ошиб бормокда. Диққатингизга ҳавола этилаётган ушбу суратлар фикримиз далилидир.**

**Сергей Любчич олган суратлар.**

*Қурилиш*

# ЗАМОНАВИЙ ВА КЎРКАМ

**Суратли лавҳа**



**Пойтахтимизнинг Ҳамза кўчасида бунёд этилаётган замонавий ва кўркам уйлар Соғлом авлод йилида кўплаб хонадон аъзоларини ўз бағрига олади.**

Ҳа, бу қурилиш майдонида амалга оширилаётган кундалик ишларнинг шиддати, бунёдкорларнинг ғайрати ана шундан дарак бермокда. Қурувчиларга ҳам бунёд этилаётган ғиштли уйларни ўз муддатида фойдаланишга топшириш масъулияти шижоат бағишламокда. Ушбу кўчада бир-биридан кўркам ҳар бири 12 тадан оилага мўлжалланган 5 та турар жой биноси қад ростламокда. Бу уйлар 6 қаватдан иборат бўлади. «Гобус» фирмасининг буюртмасига кўра қурилаётган 1-а уйда пардозлаш ишлари давом этаётган бўлса, 4-уйнинг эса 3 қавати тикланяпти. Қурилиш-тиклаш ишларини бош пудратчи «Скат-М» фирмаси қурувчилари бунёд этишмокда. Ҳар бири 3-4 хонали бўлган ушбу турар жой биносига 12 та оила кўчиб киради.



— Бунёд этилаётган уйлардаги шарт-шароит ва қулайликлардан бу ерда яшайдиган хонадон эгалари мамнун бўлиши, шубҳасиз, - дейди қурилиш участкаси бошлиғи Александр Чугунов. — Қурувчиларимиз ҳам сифатга ва иш унумига асосий эътиборни қаратишган. Ишончимиз комилки, бу уйларда бахтиёр оилалар яшашади. Шу боис ҳам 3 сменада 75 нафар қурувчи ҳамжиҳатликда меҳнат қиляпмиз.

Чинданам фирманинг 3 та комплекс ва 1 та сувоқчилар бригадалари қурувчилари қуёшли куннинг ҳар бир дақиқасидан унумли фойдаланишмокда. Айниқса, Нурмат Шамсиев, Роберт Дон, Алексей Титов, Мирвоҳид Усмонов, Баҳодир Болтаев, Қобил Машарипов сингари бунёдкорлар сидқидилдан ишлаяптилар.

Шунингдек, беш қаватли 1,2-уйлар ҳамда «Антек» фирмаси қурувчилари бунёд этаётган 3-уйларда ҳам тиклаш ва пардозлаш ишлари бошлаб юборилган. Йил охиригача уй калитларини хонадон соҳибларига топширишга аҳд қилган қурувчилар зиммаларидаги кунлик топшириқни ортиғи билан адо этишмокда. Янги хонадонлар уй эгаларига бошланажак янги аср учун ажойиб совға бўлади.

**Дилноза ҒИЁСОВА.**

**СУРАТЛАРДА: (чапдан) ғишт терувчилар бригадаси сардори Қобил Машарипов, участка устаси Мусурмон Пернебеков ва ғишт терувчи Баҳодир Болтаевлар; ўз ишининг устаси — моҳир электрпайвандчи Мирвоҳид Усмонов.**

**Тоҳир Ниғматуллин олган суратлар.**

*Назм*

Қуролли Кучлар фахрийси, тиббий хизмат подполковниги, ўзининг дилбар қўшиқлари ва бир қанча шеърий тўпламлари ҳамда рисолалари билан «Оқшом» муштарийларига яхши таниш бўлган Искандар Раҳмон яқинда бир туркумдаги янги шеърлар яратди. Бугун эса у ана шу шеърларидан иккитасини азиз ва қадрли оқшомхонларга туҳфа этмокда.



## ЎЗБЕКИСТОН ТИЛЛОСИ

**(Қасида)**

*Ўзбекистон оламда юртларнинг энг аълоси,*
*Осмони кенг, мусаффо, жонфизо сув, ҳавоси,*
*Дилни ўртар, ёндирар шарқона куй, навоси,*
*Тилда Тошкент, Хоразм, Самарқанд, Бухороси,*
*Узоқ-яқин дўстларин жўшиб меҳру ихлоси,*
*Кун сайин ортар унинг ошуфтаю шайдоси!*

*Заргар билур зар қадрин, гавҳару инжу қадрин,*
*Ким билур биз қадарлиғ оқиб ўтар сув қадрин,*
*Осойишта ҳаёт ва тинчгина уйқу қадрин,*
*Севги, вафо, садоқат-эзгу ҳис-туйғу қадрин?*
*Ғофил билмас эл-юрти бошидаги ғам, дардин,*
*Қилар ани адойи тамом кибру ҳавоси!*

*Навоийда Зарафшон тиллоларга макондир,*
*Муронтов, Учқудуғи нақ машҳури жаҳондир,*
*Зафаробод, Нуробод номи элда достондир,*
*Бу ерда офтоб-тандир, меҳнат аҳли бир*
*жондир,*
*Бир қултум суви азиз, қуму тупроқ—ВАТАНДИР!*
*Қамаштирар кўзларни тиллосининг жилоси!*

*Ўзбекистон бойлиги недур ўзи? Тилломи?*
*Гуллаган шаҳар, қишлоқ, сувдаги нур, жиломи?*
*Кенг йўллар, буғдой дала, қақраган чўл, саҳроми?*

*Одамлар юзидаги меҳру вафо, ҳаёми?*
*Сабр-тоқат, матонат, соф ният, бисмилломи?*
*Борми бунинг энг холис айтилган бир баҳоси?!*

*Асли эл-юрт зийнати-зар эмас, кучидадир,*
*Сафларининг бирлиги, метин зичлигидадир,*
*Ўзаро аҳиллиги, кун-тун тинчлигидадир,*
*Не ёғилса бошига эт-тирноқ ичидадир,*
*Шум рақиблар нияти бўм-бўш, пучлигидадир,*
*Бундай элни асрагай кўздай шоҳу гадоси!*

*Ўзбекистон бойлиги — элсевар одамлари,*
*Аждодларга муносиб эрксевар одамлари,*
*Ўз аҳдига вафодор, қўли зар одамлари,*
*Миришкору тадбиркор, ҳам чевар одамлари,*
*Курашларда чиниққан музаффар одамлари,*
*Жаҳон узра ярқирар Ўзбекистон туғроси!*

*Гапни гапир уққанга, жонни жонга суққанга,*
*Тўғри сўз ёқмас ҳатто, бир қорнига сиққанга,*
*Унутма, бевафодир мол-дунё, тилло танга,*
*Қолар меҳр-оқибат, садоқатинг Ватанга,*
*Яша эл ўйи билан доғ қўндирма чаманга,*
*Демишлар, эй Искандар, доноларнинг доноси!*

## МУҲАББАТ

*Эй, азал-азалдан дилларга ошно,*
*Эзгулик элчиси, зиё муҳаббат!*
*Бизга Одам Ато, Момо Ҳаводан,*
*Мерос қолган ажиб дунё муҳаббат!*

*Сен борсан-оламда мурувват бордир,*
*Сен борсан-одамда саховат бордир.*
*Сен борсан, яшашнинг гашти бошқача,*
*Яшариб яшнайди кекса, ёшгача.*

*На чечак, на гуллар, лола, шалола,..*
*Овутмас кўнглимни, излайман сени!*

*На тонгда булбуллар чеккан оҳ, нола,*
*Босолмас ўрнингни, излайман сени!*

*Нимасан, айт ўзи асли муҳаббат,*
*Эй, ёшлик, гўзаллик фасли муҳаббат?!*
*Юрагим парчаси, армонимисан,*
*Садоси, нидоси, фармонимисан?*
*Муҳаббат қаримас дунёда асло,*
*У сочар элларга, дилларга зиё!*
*Искандар бор бўлсин меҳру муҳаббат,*
*Дилларга ёр бўлсин меҳру муҳаббат!*

**Искандар РАҲМОН,**
**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси.**

